

Асқар МАҲКАМ

Табриз дафтари

TOSHIDO TAU



0000001463

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ALIMIR NAVOYI HIMPACH  
Tashkent  
AXBOROT-KUTUB MARKAZI

**Форсча сўзбоши муаллифлари:**

**Доктор Аббосали Вафой,  
Жаъфар Муҳаммад**

**Масъул муҳаррир: Жаъфар Муҳаммад**

**Нашр учун масъул: Минҳожиддин ХАЙДАР**

**А.Навой номли Ўзбекистон Давлат Миллий кутубхонаси**

**«Минҳож» ИБН  $\frac{119}{2004}$**

**Тошкент - 70083, Буюк Турон, 41**

ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ  
МАДАНИЯТ ВАКОЛАТХОНАСИ

АСҚАР МАҲКАМ



ТАБРИЗ ДАФТАРИ

(Шеърлар)

Эрон Ислом  
Республикаси  
«Ал-Ҳудо»  
ҳалқ аро нашриёти



Ўзбекистон  
Республикаси  
«Минҳож»  
нашриёти

Техрон - Тошкент  
2004

Асқар Маҳкам — ҳозирги замон ўзбек шеърияти намоёндаларидан бири. А. Маҳкам «Наврўз», «Ибодат», «Ишқ», «Таважжух», «Тазарру», «Ҳақ», «Аналҳақ» шеърий тўпламлари муаллифи. Шоир Мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Маснавий маънавий» китобининг биринчи дафтаридан айрим жузъларнинг шарҳли таржимасини ва зардуштийларнинг буюк ёдгорлиги «Авесто» китобини ўзбек тилига таржима қилди. Хожа Ҳофиз Шерозий, Шамс Табризий, Имом Хумайни, Саййид Муҳаммад Шаҳриёр, Парвин Ёътисомий, Нодир Нодирпур, Нимо Юшиж, Доктор Парвиз Нотил Хонларий, Ҳушанг Ибтиҳож Соя каби классик ва замонавий форс шоирлари шеъриятидан таржималар ҳам шоир қаламига мансуб.

Бугунги кунда Асқар Маҳкам Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг Куръони Каримга ёзган адабий-ирфоний тафсирини ўзбек тилига ўгирмоқда.

## БАҒИШЛОВ

Пасткаш киборлардан кўнгил безганда  
тумандек босганда бир мудҳиш бало  
Асотирлар кафан кийиб кезганда  
дилгир хаёлларнинг марқади аро  
Ичганда ёлғоннинг ялмоғизлари  
қонли тоғорада Ҳақнинг қонини  
тикилиб товонга кин қозиклари  
тушовлаб подаю подавинини...  
Худони унутган осмон остида  
бир ғарам похолда ётган ит каби  
гадойлар хилватин жилла пастида  
ёнганда жоменинг зар қуббалари  
Бир мисқол мурувват топа олмасдан  
бақириб ўчганда заҳил сўфийлар  
Оятлар асрорин оча олмасдан  
ушалиб тушганда сулсу куфийлар...  
Ва Ҳофиз “Айюҳассоқий...”ларидан  
тирилиб чиққанда соқий қўлда жом  
Шамснинг Табризий шоирларидан  
бир нидо таралди: “Келгил, кел эй, Жон!...”  
Мен беҳол қўл чўздим  
аста қўзғолиб  
Ҳофиздек Жаҳонгир остонасида  
Қаршимда турарди Табриз юксалиб  
буюк Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сидек...  
Ва Табриз чорларди қадимий ёрдай  
сочлари таралиб тақимларига  
“Жайхунни орқага қайтаринг борай!”  
ўтиндим Термизнинг ҳақимларига

Ҳакимлар кўзгалди минг бир дарвишдек  
сипоҳлар тигида ярақлади нур  
Чайқалиб ортига қайтарди тушдек  
ҳеч ортга қайтмаган тўлқинлар масрур...  
Чиллахона ичра жим чўқди ҳадик  
таҳорат олгани чиқди лашкарлар  
ястанди гўёки буюк бир кенглик  
Афросиёбдан то Табризга қадар...  
Саҳролар оёғин йиғиб уйқашди  
довону далалар бўлди бир тутам  
осмонлар қўшилди тоғлар туташди  
чарсиллаб қўшилди ушалган тош ҳам...  
Наҳот бу туш эмас наҳот ё Раббий!  
Наҳот бу афсона эмас аслида  
ва Табриз Шамсиддин Табризий каби  
яшарди Мавлавий хаёлларида...

*26 октябр, 2000 йил*

## “МАҚБАРАТУШИ ШУАРО”ДА

Табриз шаҳрида ҳали Исломга қадар 407 нафар шоир дафн этилган “Мақбара туш шуаро” (Шоирлар қабристони) бор. Исломдан кейин ва ҳозир ҳам бу ерга фақат шоирларгина дафн этилади... Сорбонга утиндим: “Наҳот “Мақбаратуш шуаро”ни кўрсатмасанг? Биз Табриздан бу дахмани зиёрат қилмай кетмаймиз...” Сорбон шумшайди. Қуриқчилар ҳайрон. “Вақтимиз зиқ...” деди яна кимдир... Мен Мозорбонга дедим: “Бу ерга фақат шоирлар дафн этиладими?” “Ҳа”, деди у. “Шоҳ ҳам, гадо ҳам қўйилмайдими?..”. “Йуқ!” деди Мозорбон. “Бу ерга қўйилган энг сўнги шоир ким?..” дедим Мозорбонга. “Шаҳриёр!..” деди у...

Эй Мозорбон!

Эй Мозорбон!

Бунча ғамгин мозоринг

Йўлда ётган тош эмасман кўрсат менга барини

Эй Мозорбон!

Эй Мозорбон!

Бунча қизгин бозоринг

Кўрсат менга энг аввало Шамсиддиннинг

қабрини...



Эй Мозорбон!  
Эй Мозорбон!  
Дахмаларинг бунча чўнг  
Шунча шоир қандай сизди бир мазоринг бағрига?  
Эй Мозорбон!  
Эй Мозорбон!  
Нечун зарра ишинг йўқ  
Бошла мени энг аввало Шамсиддиннинг қабрига

Эй Мозорбон!  
Эй Мозорбон!  
Гурковингни бир кўрсат  
Фассолингни чорлагин мен кўзларига тикилай  
Эй Мозорбон!  
Эй Мозорбон!  
Ранжимагин сен фақат  
Шамсиддиннинг қабрин кўрсат тупроғига  
йиқилай...

Эй Мозорбон!  
Эй Мозорбон!  
Йўлим менинг олисдир  
оёғимда зарра мадор танда зарра қувват йўқ  
Эй Мозорбон!  
Эй Мозорбон!  
Билмадим не боисдир  
Бу дунёда менда ҳам бир Шамсиддиндек улфат  
йўқ!..

Эй Мозорбон!  
Эй Мозорбон!  
Кўнглимда бир захм бор  
у Табризнинг тупроғига жуда-жуда ўхшайди  
Эй Мозорбон!  
Эй Мозорбон!  
Кўнглимда бир ваҳм бор  
Қулоқ бергил сўйламасам уни сира бўлмайди

Эй Мозорбон!  
Эй Мозорбон!  
Айтгил нечук ҳикматдир  
Бу оламда тоқ ўтганни хок қаърида жам этдинг?  
Эй Мозорбон!  
Эй Мозорбон!  
Бахтми бу ё кулфатдир  
Чориққа зор шоирни ҳам ўлгач муҳташам  
этдинг?..

Эй Мозорбон!  
Эй Мозорбон!  
Мен ҳам битта шоирман  
Гарчи яқом чок эмасдир кўнглимда минг-минг  
чок бор

Эй Мозорбон!  
Эй Мозорбон!  
“Оҳ” урсам бу оҳимдан  
“Мақбаратуш шуаро”ни уйғотувчи титроқ бор!..

Эй Мозорбон!  
Эй Мозорбон!  
Гарчи келдим бош уриб  
Неча-неча шоирларга макон берган азизга...  
Эй Мозорбон!  
Эй Мозорбон!  
Изн бергил оҳ уриб  
Жон берайин Шамсиддинни йўқотган бу  
Табризга...

*26 октябр, 2000 йил*

\* \* \*

Мен — ярми форс  
ярми — туркийман...  
Бўлгани шу. Бошқасин билмам...  
Хожа Ҳофиз газали билан  
тили чиққан битта шоирман  
Менинг йиртиқ яқоларимни  
газал билан тиккан азизлар  
Аллалади боболаримни  
Ҳирот Шероз Балху Табризлар...  
Гарчи маъюс бу Мусаллода  
пешонамнинг излари йўқдир  
лекин бузруквор Бухорода  
Мусаллонинг шаъни улуғдир  
Нақшбанднинг чориғи билан  
кездим Табриз кўчаларини

Авлиёлар кўпдилар бирдан  
бошда тутиб қуббаларини...  
Фаришталар учарди енгил  
нурга чулғаб гўё бағрингни  
Авлиёлар дедилар: “Бергил  
эй мусофир чориқларингни...”  
Ўйладим Шайх розидир балки  
боқдим Жайхун узра шафаққа...  
“Олинг Шамс Табризий ҳаққи  
чориқ эмас жоним садақа”...

*26 октябр, 2000 йил*

\* \* \*

Шерозга олиб бор мени эй Табриз  
бодлар маснадида Сулаймон каби...  
Мусалло саҳнида Ҳофизга бир қиз  
холин имо этмиш ва тутмиш лабин  
Ҳофизи бечора хирқасин ёйиб  
Рукнобод лабида туш кўрар сармаст  
Гўзаллар қирмизи олмалар отиб  
унинг теграсида чарх урар пайваст  
Беёд бодафуруш яқосин йиртиб  
хумга бу дунёни сотиб ўтмоқда  
Ошуфта шоирнинг илқидан тутиб  
“Фақат май ичгил” деб бода тутмоқда...  
Муҳтасиб калтаклаб бодафурушни  
хумин парча-парча қилар тутақиб  
“Бас қил дер Ҳофизга бу бад қилмишни  
кулин совураармиз девонинг ёқиб!..”  
Ҳофиз имо қилар. Гирдида хурлар  
муҳтасиб ғазабдан тутақар баттар  
“Ҳолимга қўймайди мени оққувлар  
боқ ахир маст эрур бор фаришталар...”  
Муҳтасиб қамчини учар ҳавода  
“Мазах қилаяпсан мени эй Ҳофиз!  
Фаришта не қилар-бу Мусаллода  
хурлар не қилади бунда бетамиз!”  
Мусаллода кезар сочлари тўзиб  
дунёни ларзага солган бир гадо  
Хурлар бода тутар унга қўл чўзиб  
фаришталар бўлар кўкда хувайдо.  
Ва яна муҳтасиб қамчини эсиз...  
Ва яна гўзаллар холию лаби...  
Шерозга олиб бор мени эй Табриз  
бодлар маснадида Сулаймон каби...

27 октябр, 2000 йил

## ШАЙХ КАМОЛ ҚАБРИ ЗИЁРАТИДАН СЎНГГИ ҲЎЙЛАР

Эй Шайх!

Сиз ётибсиз ҳамон кўз ёшлаб  
унда — Сир лабида соч юлар Ваган...  
Кетдингиз “ҳай-ҳу” деб Хўжандни ташлаб  
мен ҳам бир дарбадар хўжандийдирман...

Эй аҳли фосиқлар!

Эй пастаринлар!

Эй қорни тубида чириган каслар!

Шайх Камол ўтибди

чалғу чалинлар!

Қўйинг ичингизга

маст мусалласлар!...

Хожани Хўжанддан қувганлар келинг!

Шоирнинг қони ҳам майдир қуюқдир...

Хўжанд сен хожалар маскани эдинг

бугун хожалардан асар ҳам йўқдир!...

Эй шайх!

Сиз ётибсиз ҳамон ўқиниб

Табризнинг шоҳона кўрпаларида

Бир шоир юрибди йиғлаб юлқиниб

Хўжанднинг хожасиз кўчаларида...

*27 октябр, 2000 йил*

\* \* \*

Таҳоратли тупроқ тўнар оҳиста  
минора бошида булут — кулоҳлар  
Тунлар бу илоҳий осмон остида  
оҳ уриб чиқади валийulloҳлар...  
Кўз оқиб тушмайди бадмаст тутунда  
юракка тишини тикмас бадкирдор  
“Ё Али” дейди ҳар тирик жон бунда  
ҳар тирик вужудда ўсар зулфиқор...  
Салтанат тахтига солинган бўйра  
валийлар пойида тўзгин бир чориқ  
Кўримсиз кулбада йиртиқ шол узра  
Саъдийни зиёрат қилар малоик...  
Оҳ ким ҳам ардоқлар бундоқ ёрини  
ва буюк амирни қиладир рози  
Темурнинг Самарқанд Бухоросини  
бир холга бахш этар Ҳофиз Шерозий...  
Қарсиллаб тушиши лозим шамширни  
зарбофи тўн билан алишди охир  
Бир титроқ чулғади буюк амирни  
“Ул Ёрнинг Ёрига Темур ҳам ёрдир!..  
“Бундаин ошиққа иноят жоиз  
бош эгмоқ лозимдир бу Ишқ қошида!..  
Мусалло гаштига йўл олди Ҳофиз  
Рукнобод соҳили бўйлаб оҳиста  
“Ул Ёрга бахш айла борингни ошкор  
беравер ҳар нечук шоҳнинг тахтини!..  
Ва Ҳофиз бир холга бахш этар тақрор  
жаҳонгир Темурнинг салтанатини...

*27 октябр, 2000 йил*

## ХАЙЁМ

Хайём! Бу масжиднинг зар қуббалари  
Нечун тўнтарилган жомга ўхшайди?  
Нечун шайхулисломнинг турбалари  
Пишиқ гиштан десам хомга ўхшайди?..

Хайём! Хаймаларинг чок-чок бўдилар  
Унда чумолилар кезар сарсари  
Сенга қадаҳ сунган гуллар сўдилар  
Хазон махлуқига ем бўлди бари...

Хайём! Бу Ишқ надир? Жонни сўроқлар?  
Қўлда тиғи кесар томирларимни  
Қандоқ чидар сени қучган тупроқлар  
Пароканда айлар хотирларимни...

Хайём! Қадаҳ сунгилки оташдаман  
Агар чўғим тушса тошлар куядир  
Гоҳо лаъл лабда гоҳо қошдаман  
Бари қоним билан жисмин бўяйдир...

Хайём! Мен ҳам битта ошиғи зорман  
Менга хуросонлик хурлардан гапир  
Бошим олиб кетай десам ночорман  
Туркистонда қолиб кетди бу фақир...

*27 октябр, 2000 йил*

\* \* \*

*Табриз шаҳрида энг сўнги оқшом  
мушоира бўлди. Мушоирада Техрон ва  
Табризнинг забардаст шоирлари, ёш афғон  
шоирлари иштирок этдилар. Мушоиранинг  
бошланиши хийла оғир кечди. Ҳеч ким  
биринчи бўлиб шеър айтишга журғат  
қилолмасди...*

Табриз тупроғида оғир кечди тун  
Ҳатто шоирларни босди салобат  
Кел эй Мавлононинг ҳурмати учун  
Менга Шерозийнинг шеърларидан айт!

Табриз тупроғида чайқаларди тун  
Нилий куббаларда Куръоний оят  
Кел эй Табризийнинг ҳурмати учун  
Менга Ширвонийнинг шеърларидан айт!

Табриз тупроғида адашгандек тун  
Юлдуз сачроғида шода-шода байт  
Кел эй Фирдавсийнинг ҳурмати учун  
Менга Шаҳриёрнинг шеърларидан айт!

Табриз тупроғида энг охирги тун  
Май ичмай шоирлар яшарди сармаст...  
Кел эй меҳмонингнинг ҳурмати учун  
Менга Навоийнинг шеърларидан айт!..

27 октябр, 2000 йил



\* \* \*

Қораяди Табриз шомлари  
дарвиш тоғлар аста кўз юмар  
Эртақларда ўлмас шоҳларни  
пари қизлар ўпиб ўлдиран...  
Лаб тутаркан бу макқоралар  
оғу билан бўяниб рангин  
Шоҳаншоҳлар ҳай бечоралар  
жон бераркан ушлаб юрагин...  
Қорайганда қора қасрлар  
жим-жит ҳарам ичра тўлғаниб  
мана неча-неча асрлар  
шоҳлар ётар ерда булғаниб  
балки эртақ балки чин-ёлғон  
нима дердим менга бари бир...  
Паривашлар бўярлар ҳамон  
оғу билан ғунча лабларин...

*26 октябр, 2000 йил*

\* \* \*

Мусофирман...  
ғарибман...  
билмам...  
Табриз менга афсоналар айт!  
Юриб-юриб бунда келибман  
Табриз менга афсоналар айт!..

Аразладинг ва қаро кийдинг  
Қаро зулфинг қародир қошинг  
Қарбалода йиғлаб йиқилдинг  
Хусайндек кесилди бошинг...

Табриз менга афсоналар айт!  
Тунлар ҳижоб кийганида тек  
Менинг кампир бувим ҳам бир пайт  
ҳижоб кийиб юрарди сендек...

Табриз менга афсоналар айт  
қаро қошли қизларинг яшир  
гавҳар денгиз қаърида фақат  
гавҳар ерда ётмайди ахир...

Табриз менга афсоналар айт  
мен-да ғариб  
сен-да ғарибсан...  
Табриз менга афсоналар айт!  
Мен-да Табриз  
сен-да Табризсан!...

26 октябр, 2000 йил

## КАРБАЛО

Бодларга бодлар бош урар  
қумга Язийдлар тош урар  
бардошга бардош урар  
Эй Карбало!  
Эй Карбало!

Қонингни ичганлар қани?  
Қотилни қучганлар қани?  
Боши “қарт” учганлар қани?  
Эй Карбало!  
Эй Карбало!

Эй воҳ Ҳусайн! Эй воҳ Ҳусайн!  
Бошсиз тананг-ла қайдасан?..  
Сен то абад шармандасан  
Эй Карбало!  
Эй Карбало!

Дунё — Язийд! Дунё — Язийд!  
Дунё азалдан мустабид  
Ул ёнда ит бул ёнда ит  
Эй Карбало!  
Эй Карбало!

Зайнабми бу? Заҳроми бу?  
Қон-қақшаган Куброми бу?  
Ёхуд Расулуллоҳми бу?  
Эй Карбало!  
Эй Карбало!

Ҳой базми Жамшид истаган  
Зайнаб сени лаънатлаган  
Саййидларин каллаклаган  
Эй Карбало!  
Эй Карбало!

Ҳар ёнда қон қонлар қаро  
Шул ҳам мусулмонликми оҳ!  
Шул ҳам мусулмонми Худо!  
Эй Карбало!  
Эй Карбало!

Табризга келдим додлар!  
Табризда-да фарёдлар!  
Ҳайҳотлар! Ҳайҳотлар  
Эй Карбало!  
Эй Карбало!

Бошим менга даркор эмас  
Ҳеч ким бу бошга зор эмас  
Ҳеч ким Имомдек хор эмас  
Эй Карбало!  
Эй Карбало!

Кел эй Язийд мен ҳам шаҳид  
Кел қатралаб қонимни ют!  
Бошдан-оёғим ичра ўт!  
Эй Карбало!  
Эй Карбало!

Мақсад бу шеърдан доддир  
Ким дуня бир жаллоддир  
Унда Язийдлар шоддир  
Эй Карбало!  
Эй Карбало!

Бир шоири озурдамен  
Лек биргина орзудамен  
Кўрсам Язийдни гўрда мен  
Эй Карбало!  
Эй Карбало!

*27 октябр, 2000 йил*

### ИМОМ ҲУСАЙН

Карбалода не бало бўлди мусулмонлар бу кун?  
Карбало аҳлини қон тутди мусулмонлар бу кун...

Одам авлодин юзи то рўзи Маҳшар қорадир  
Одамий шаънини ер ютди мусулмонлар бу кун

Айш суриб куффор чаҳор ёнда вале иблис Язийд  
Мустафо жонига тиф урди мусулмонлар бу кун

Зайнаби Кибрий имом бошин тутиб дод айлади  
Бул қиёматни аён кўрди мусулмонлар бу кун

“Во Саййидим! Во Саййидим! Во Саййидим!..”  
деб тамом

Фотима тупроғидан турди мусулмонлар бу кун

Эй Язийд ўлдиргали қурбон топибсан гул каби  
Икки олам гуллари сўлди мусулмонлар бу кун...

*28 октябр, 2000 йил*

## БУЮК ИМОМ ХУЖРАСИДА

Бу уйда эҳтимол Ҳофиз яшарди  
хирқасин тўрт букиб оёгин чўзиб  
Гар тужжор бўлганда бузиб ташларди  
ўрнига кошона қўярди қуриб  
Эҳтимол Хайём ҳам яшарда бунда  
кўзасин бошига болишдай қўйиб  
лекин бу ўлгудай хасис очунда  
у кетиб қоларди жонидан тўйиб...  
Ким билсин Саъдий ҳам яшарди балки  
ҳарчандким Шерозни қиймасди кўзи  
лек олис ёрини кутгани каби  
яшарди Маҳшарга қадар бир ўзи...  
Бу уйни ижара олди... дунёни  
ларзага келтирган буюм бир Имом  
У деди: “Мең бунда ёлғиз Худони  
ёд этай қолган шу умримда тамом...”  
Абурз этагида хомуш ва маҳзун  
кулбага малақлар қўнган тунларда  
буюк бу Имомни бир кўрмоқ учун  
султонлар келарди “лимюзин”ларда...  
Албурз этагида кўримсиз ва тор  
кулбага фалақдан тушганда хурлар  
Буюк бу Имомни кўрай деб бир бор  
пиёда келарди императўрлар...  
Бир боқмай шоҳларнинг кошонасига  
Имом рихлат қилди Маҳшарга томон...  
Бугун бу кулбанинг остонасида  
йиқилиб йиғлайди аҳли мусалмон...

*28 октябр, 2000 йил*

\* \* \*

Эй Сорбон кечмиш замон қорвон ҳамон қорвон  
ҳамон  
Эшшак ўша бешак ўша сорбон ҳамон сорбон ҳамон

Тилла эди остонаси олгин ўлиб кошонаси  
Тождлар ўпиб пешонасин султон ҳамон султон  
ҳамон

Дарвин ўша кашфи ўша кавши ўша ташвиш ўша...  
Бой бирла бой сой бирла сой қўрган ҳамон қўрган  
ҳамон...

Эй жиннилар! Эй жиннилар! Қочким уловни  
миндилар  
Тутқинни-да ўлдирдилар қочгон ҳамон қувгон  
ҳамон...

Тиллар шакар дилларда захр қотил қани? Одил  
қани?  
Алдайди пайгамбарзодани ёлгон ҳамон ёлгон  
ҳамон...

Эй одамий жаннат қани? Кирдингми кирғиз  
ҳаммани!  
Қўйвор ўша шармандани шайтон ҳамон шайтон  
ҳамон...

28 октябр, 2000 йил

## ЎЛГАН ОҚҚУШ

Албурз этагида юсак чинорлар  
қўриқлайди собиқ шоҳ саройларин  
Бу ерда бир замон банг жонороллар  
қийратиб ўтганлар Техрон ойларин...  
Башанг ҳовузларда оққушлар мисол  
юзган паривашлар оқ тутун чулғаб  
Шоҳнинг кўксидаги туклари хиёл  
тегса қасрлар-да кетган зириллаб  
Қайноқ эҳтироснинг жўшган қозони  
олтин равоқларда ёнган лаъллар  
Шоҳнинг тиззасида ётган Техронни  
ҳамон хотирлайди бўм-бўш қасрлар...  
Иймон туғларини баланд кўтариб  
фасод арконларин бузганда Имом  
Албурз этаклари шалтоқдан ариб  
улуғвор чинорлар олдилар ором...  
Энди ишратгоҳлар мўлтирар ёлғиз  
наҳсу ҳирс сўнди от кишнашларидек  
Қоп-қора булутлар чекинди олис  
малика Фараҳнинг ўйнашларидек...  
Техрон таҳоратсиз тонглар орғидан  
масжид минорларин кўтарди баланд  
чиқиб кетди хоин “ёр”лар ёдидан  
ва сўзак қизларнинг оҳлари дардманд...  
Энди чилим тортиб бунда кечалар  
ёд этади босриқ тушдек кечмишни  
Чинорлар негадир сирли чайқалар  
қасрлар эслатар ўлган оққушни...

*28 октябр, 2000 йил*



## „МАШҲАД САРИ

Мамлакат “Оллоҳ” деб айқирди гўё  
оламни босгандек қайтадан тўфон  
Имоми Ҳусайн бу ё Шери Худо  
Қарбало даштига айланди Техрон...  
Имом қалқар буюк уммон устида  
узанган кўлларми ёхуд зулфиқор?...  
Улуғ Фирдавсийнинг мағрур юртида  
Рустам от сурарди ёвқур сервиқор  
Шундайин Имомга шундай халқ лойиқ  
халқига муносиб Имоми замон  
ва унинг ортидан бутун халойиқ  
юзланди муқаддас Машҳадга томон...

*28 октябр, 2000 йил*

## ТАБРИЗ МУСЛИМАСИ

Дедим: “Исминг надир эй моҳи тобон?”  
Деди: “Исмим ёлғиз Худога аён!..”  
Дедим: “Наҳот шунча сирлидир исминг?..”  
Деди: “Сўрма мени гуноҳкор қилдинг!..”  
Дедим: “Осийларга тўладир дунё!..”  
Деди: “Мен билмасман... Билар Кибриё!..”  
Дедим: “Мен шоирман... Ҳофиз наслидан...”  
Деди: “Мен Табризнинг муслимасиман!..”

*27 октябр, 2000 йил*

## ЙИҒЛАЁТГАН “КҮК МАСЖИД”

Йиртилиб ётибди буюк бир масжид  
соғоналар турар ўриндиқ бўлиб...  
Худонинг қаҳрими ё бир мустабид  
Оллоҳнинг уйига қирмиш ёприлиб  
“Зилзила...” дейишди тарихнавислар  
Қирқ бир минг одамнинг тухмин қуритди...  
Сир эмас осий-ку аслида бизлар  
аммо бу масжидни не бало урди?..  
Тикилдим кўзимга қон тўлди гўё  
масжид бурдаларин кўтаргим келди  
Ахир бу ўзингнинг уйинг-ку эй воҳ  
Худованд масжидда гуноҳ не эди?..  
Эҳтимол салтанат наҳс босган уйдир  
эҳтимол малика фар ё зинокор  
Худованд бу ахир байтул маъмурдир  
не учун айладинг уни хору зор?..  
Кошинлар юлинган юракдек ётар  
ўйилган кўз каби девор дарзлари  
бир умр зикрингдан тинмаган зотлар  
изи ҳам тўзгандир гирдубод каби...  
Қаёқдан билардим?.. Оёғим титраб  
гиёҳдек чўнг девор остида қотдим  
Бизлар-ку қошингда турибмиз йиғлаб  
“Кук масжид” не учун йиғлар Худойим?..

27 октябр, 2000 йил

\* \* \*

Тун эди...  
Ва Табриз дахмаларида  
мен девон ушлаган руҳларни кўрдим  
Хонларин еб чўккан қалъаларида  
сўнгаклар қиличлар тентирарди жим...

Тун эди...  
Ва мурғак Имоми Маҳдий  
зулматга чўкарди гўё беасар...  
Табризда ҳар дарахт бир шоир эди  
сўнг ҳар бир дарахтни кесди минг лашкар...

Тун эди...  
Фалакда ой парча-парча...  
қилич ва бош бунда мангуга бирдек  
Ёр эмас девонин қаттиқ кучганча  
шоирлар тентирар Шамс Табриздек...

26 октябрь, 2000 йил

## КАНДУВОН

*Табриз Шимолида, шаҳардан тақрибан  
50-60 чақирим нарида “Кандувон” деб  
номлангувчи тоғ қишлоғи бор. Бу қиш-  
лоқ аҳли қарийб минг йилдан бўён тоғ  
ўнгиридаги ўйилган сунғий ғорларда  
яшашади. Бу ерда 950 хонадон бўлиб,  
аҳоли икки мингдан зиёдроқдир.*

Бу дунё аслида Кандувон экан  
ҳаётнинг маънисини шунда жамулжам  
Оламни вайрона бир работ деган  
машойих қай ҳолда яшашган билмам...  
Ва лекин Кандувон бир ғордир тамом  
ўйилган кўзлари туйнук тирқишдир  
Молингни ҳайда эй аҳли мусалмон

дунё бу охират сари юришдир...  
Мен келдим уялиб энгил-бошимдан  
термилдим бу яланг оёқларга жим  
Қачондир фаромуш бўлди ёдимдан  
нур эмас тупроқдан яралганлигим...  
Тур узра тургандек ҳазрати Мусо  
ўкраяр чўққи даҳр нокасларига  
Кандувон тўлқиндек тупурар гўё  
дунёнинг бемаъни ҳавасларига...  
Иштонли-иштонсиз салла-салласиз  
бу ерга келишар аҳли томоша  
Бақрайиб сўкиниб маза-матрасиз  
қайтишар олифта шаҳарга шоша...  
Кандувон ғорларин кўзи чуқурдир  
тубида азалий ҳикмат намоён  
Эй катта шаҳарлик юзларингни бур  
Кандувон мўминдир Канду - мусалмон...  
Сирғалиб туртиниб жиркиб юрганлар  
тикилар ғорларга: “Тирикми булар?..”  
Бир сариқ хонимга қораси айтар:  
“Оҳ Худо ваҳшийлар нуқул ваҳшийлар...”  
Ахтариб югандим дунё тубини  
тубсизлик қошига келдим ногаҳон  
Салмоқлаб чўққининг пок тупугини  
дедим: “Бу дунёнинг туби — Кандувон!..”  
Бўларкан оқ қаср, кўк қасрдამас,  
ғорларда яшаса бу пасткаш одам  
Бировнинг бошида орқасидамас  
яшаса бўларкан ўз ҳолича ҳам...  
Эй дунё золлари!  
Эй такабурлар!  
Эй сутда чўмилиб сипқорганлар жом!  
Сизни ҳам سموққа шайдир кубурлар!  
Сизни ҳам ер ютар бир кун батамом!..

28 октябр, 2000 йил

## ХОЖА ҲОФИЗ ДЕВОНИ ҲОШИЯСИГА

“Эй Жаҳонгир барини ташла  
Шерозга бор йиқил-да юкин  
Тахтингни бус-бутун бахш айла  
Хожа Ҳофиз девони учун!..”

“Эй Савдогар бўлма ҳеч малол  
тарк эт дунё шаҳарларини  
Бисотингни бериб сотиб ол  
Хожа Ҳофиз газалларини...”

“Эй Қароқчи жон чекиб тунлар  
қарвон келар Балху Табриздан  
Қиличингдан кеч мусофирлар  
бир байт айтса Хожа Ҳофиздан!..”

“Сен эй Жаллод оқизма хунлар  
чопма қози ҳукм гар қилса  
Кундага бош қўйган мақтуллар  
Ҳофиздан бир қатор шеър билса...”

“Эй Зиндонбон бандаларингни уз  
қўйгил кетсин тўсма роҳини  
чоҳ ичида урғун бир маҳбус  
тилга олса Ҳофиз номини...”

Эй Биродар чида баринга  
чида дўсту ёрлар тарк этса  
Бошингни қўй оёқларига  
кимдир бир кун “Ҳофизман” деса...”

*28 октябр, 2000 йил*

## МУНДАРИЖА

Бағишлов .....	5
“Мақбаратуш шуаро”да .....	7
“Мен — ярми форс...” .....	10
“Шерозга олиб бор мени эй Табриз...” .....	11
Шайх камол қабри зиёратидан сўнгги уйлар .....	12
“Таҳоратли тупроқ тўнар оҳиста...” .....	13
Хайём .....	14
“Табриз тупроғида оғир кечди тун...” .....	15
“Қораяди Табриз шомлари...” .....	16
“Мусофирман...” .....	17
“Карбало” .....	18
Имом Ҳусайн .....	20
Буюк имом ҳужрасида .....	21
“Эй Сорбон кечмиш замон...” .....	22
Ўлган оққуш .....	23
Машҳад сари .....	24
Табриз муслимаси .....	24
Йиғлаётган “қўқ масжид” .....	25
“Тун эди...” .....	26
Кандувон .....	26
Хожа ҳофиз девони ҳошиясига .....	28

**АСҚАР МАҲКАМ**



**ТАБРИЗ ДАФТАРИ**

**(Шеърлар)**

**Эрон Ислом Республикаси  
«АЛ-ҲУДО» халқаро нашриёти  
Ўзбекистон Республикаси  
«Минҳож» нашриёти  
Техрон - Тошкент  
2004**

**Мухаррир:**

**Олим ДАВЛАТПУР**

**Мусаввир:**

**Беҳзод МИНҲОЖИЙ**

**Мусахҳиҳ:**

**Маъмура ВАЛИЖОНОВА**

**Форсча матнларни**

**терувчи:**

**Арслон ЁРҚИН**

**Чоп этишга рухсат этилди 2004.10.06.  
Қоғоз бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Офсет қоғози.  
Босма тобоғи 4,0. Адади 1000.  
Баҳоси келишилган нарҳда.**

**«Минҳож» нашриёти  
Тошкент ш. 700083. Буюк Турон,41  
Тел.: 1367881**

توضیحات:

۱. اجبار
۲. مادر بزرگ
۳. نیاکانم
۴. اولیاء
۵. رکن آباد
۶. آنکه در چاه افتاده است
۷. گنبد های طلایی
۸. منظور، «سپردریا» است
۹. پهن بینی، کتابه از ذلت و زیونی
۱۰. فرو رفتن
۱۱. گله ی گار
۱۲. کنده، زنجیر
۱۳. قلمی، کلکی
۱۴. جمع، محفل
۱۵. به عقب برمی گشت
۱۶. ترس، واهمه
۱۷. مولانا جلال الدین رومی، صاحب مثنوی
۱۸. منظور، شهر های سمرقند و بخارا است.
۱۹. شمس تبریزی
۲۰. خاقانی شیروانی
۲۱. منظور، مادر مادر بزرگ است.
۲۲. تلمیح دیگری از «مستبد»



که گویی در دیار پیر طوسی  
به رستم اسبش و شمشیرش آرند.

امامی لایق و شایسته اینجاست  
سزاوار چنین خلق جهان است.  
به سوی مشهد پاک و مقدس  
خلایق از قفای او روان است.

### مؤمنه ی تبریز

بگفتم: «چيست نامت، ماه تابان؟»  
بگفتا: «من ندانم، از خدا دان.»  
بگفتم: «رازی در نامت نهان است؟»  
بگفتا: «پاسخش جرمی گران است.»  
بگفتم: «این جهان از عاصی پر است.»  
بگفتا که: «خدای ما ن. کور است.»  
بگفتم: «شاعرم، از نسل حافظ»  
بگفتا که: «مسلمانم، ز تبریزا»

ترجمه های عبدالله سبحان.

تنهاستند عیشگه و حوض ها کنون  
دیگر سمند حرص ننازد چهار پا.  
از آسمان گریخته اند ابرهای نحس  
چون عاشقان خانم شاه وطن گدا.

تهران زیشت صبح دروغین بلند شد  
با مسجد و طهارت و ذکر خدای خویش.  
گویی که چندی پرغم و بیمار بود و یافت  
این بستری بی دوا درمان برای خویش.

اکنون زمان پیشینه را یاد می کنند  
در خواب های کابوسی خود چنار ها.  
قوهای قصر شام و سحر با عتاب و ناز  
دیگر نمی کنند در آن حوض ها شنا.

#### به سوی مشهد

به پا شد مملکت با نسام الله  
جهان گویی که مانده زیر طوفان  
حسین او بود یا شیر خداوند  
که گشته کربلایی خاک تهران.

کنار بی کران بحر امام است  
به سویش دست ها یا ذوالفقارند.

کنون در آستان خاکسارش  
سراغ او کند اهل مسلمان.

### قوهای مرده

کاشانه های شاه نگون بخت، را کنون  
کوه و چنار های بزرگند پاسبان.  
با دلبران شهر بسی عیش رانده اند  
ژنرال های مست زمانی در این مکان.

مانند قو به هر طرف حوض های سبز  
بنموده اند سهم تنان روز و شب شنا.  
با یک اشاره ی شه آورده، رو به عیش  
پنهاده اند روی به سوی حرمسرا.

طاق و رواق های زرانود شاهدند  
چوشیده است دیگ پر فسق فاسدان.  
تهران سر نهاده به زانوی شاه را  
آرد به یاد تا به کنون قصر بی زبان.

وقتی درفش و پرچم ایمان بلند گشت  
ارکان فسق پاره شد از ضربت امام.  
گردو غبار دامن البرز را بروفت  
جاروب باد مرحمت و عشق و احترام.

اقامت داشت بل خیمای ایام  
نهاده سربه دوش خم خالی  
و شاید بیت های اولین را  
در اینجا ساخت رند لایالی.

و شاید سعدی نیز اینجا به سر برد  
اگر چه زادگاهش بود اولی.  
در اینجا یافت برگی از گلستان  
و «اسرار خودی» را و خدا را.

سکونت داشت در حجره زمانی  
امامی که پلرزانده جهان را.  
بگفتا: با خدا تنها بمانم  
بپیوندم وجودی و روان را.

و این گوشه که در دامان البرز  
مکان دارد، ملایک را مکان گشت.  
امام و حجره و محراب و صحنش  
زیارتگاه پاکان جهان گشت.

سلاطین آمدی، شاه و وزیران  
برای دست بوسی خواجه ی پاک.  
امام اما نظر نافکند باری،  
به قصر شاه و سلطان های این خاک.

برابر بود با سلطان و درویش  
دریغا رفت از این دنیا شتابان.

روز سعیدم آرزوست در کوچه عیدم آرزوست  
مرگ یزیدم آرزوست  
ای کربلا، ای کربلا!

### امام حسین

کربلا را بر سرش آمد بلاها، مسلمین  
اهل آن خون می خورند در دشت تنها، مسلمین  
تا قیامت آدمی شرمنده است و رو سیاه  
شوکت و شأنش بشد با خاک یکجا، مسلمین  
عیش راند غیر دین در چار سوی کربلا  
مصطفی را تیغ زد خفاش اعماء، مسلمین  
زینب کبری سرا پا داد شد، فریاد شد  
این قیامت را همه دیدند پیدا، مسلمین  
«وا حسینم، وا حسینم، وا حسینم» گفته و  
فاطمه از خاک شد امروز بالا، مسلمین

### در حجره ی امام بزرگ

به سر برده در اینجا گویی حافظ  
دمی فارغ ز کار و بار دنیا.  
وگر نه تاجری بر کندی از بن  
سراییی ساختی آباد و زیبا.

آوه، حسین، آوه، حسین بی سر تو را چون است تن؟  
هم آبرو داری و شأن  
ای کربلا، ای کربلا!

دنیا یزید، دنیا یزید! دنیاست عمری متیید (۲۷)  
سگ های زشتند و پلید  
ای کربلا، ای کربلا!

زینب و یا زهراست این؟ یا مهربان کبرا ست این؟  
یا خود رسول الله ست این؟  
ای کربلا، ای کربلا!

هر سوی خون، خون سیاه خون سران بسی گناه  
هر ذره را در سینه آه  
ای کربلا، ای کربلا!

تبریز هم در ناله است خونین جگر یک لاله است  
دردش هزاران ساله است  
ای کربلا، ای کربلا!

فرمان بده، قاتل یزید خواهم شدن من هم شهید  
باید سر من را برید  
ای کربلا، ای کربلا!

در آن ساعت که شب ها در حجابند  
بگو با من، بگو افسانه، تبریز.  
به زیر پرده ی عصمت نهان بود  
زمانی مادر مامای (۳۱) من نیز.

بگو با من، بگو افسانه، تبریز  
نهان کن دخترانت زیر چادر.  
گهر بر چشم ها ننماید آخر  
بود در قعر دریا در و گوهر.

بگو با من، بگو افسانه، تبریز  
غریبی و در این دنیا غریبیم.  
بگو با من، بگو افسانه، تبریز  
چو تو مشتاق دیدار حبیبیم.

### کریلا

بادی خورد با بادها      سنگی به سنگ یادها  
دارد یزید بیداد ها  
ای کریلا، ای کریلا!

کو قاتل و خونخوار تو؟      وان تیغ لنگردار تو؟  
سر های خوار و زار تو؟  
ای کریلا، ای کریلا!

زنور ماه گویی موج می زد  
به دور قبه های نیلی آیات.  
برای خاطر تبریزی (۱۹)، ای دوست  
بخوان از شیروانی (۲۰) تازه ابیات.

تو گویی در سما چشمک زنی داشت  
نه اختر، بیت های شاعرانه.  
به پاس خاطر فردوسی، ای دوست  
ز شهریار خوان چندی ترانه.

شب آخر شب افسانه ای بود  
همه مست از «می» بیت و رباعی.  
برای خاطر مهمانت ای دوست  
بخوان: بیتی ز «فانی» یا «نوایی».

### مشتاق حیب

نمی دانم غریبم یا مسافر  
یگو با من، بگو افسانه، تبریز!  
غریبی بعد دوری ها پیوست  
یگو با من، بگو افسانه، تبریز

غضبناک و سیه پوشت بدیدم  
سیه ابرویی، گیسویت شیبستان.  
حسین کربلا بودی دمی چند  
سرت از تن جدا، حالت پریشان.



نیز بوده آنچنان جادو سخن  
تا به دل ها مهر کرده قهر را.

با قبا بنواخت شاعر را امیر  
یار شد با یار حافظ جاودان.  
گفت شفقت بر چنین عاشق رواست  
اوست آخر عاشق هردو جهان.

در مصلی، در کنار رکنی بود  
حافظ و می گفت موج بی قرار:  
«ای چو من پیچیده در راه حیات  
هرچه خواهی بخش از بهر نگار.»

لیک حافظ تا کنون اهدا کند  
مسند تیمور بهر حال یارا!

#### شب مشاعره

شب آخر در شهر تبریز، مشاعره برگزار شد. در مشاعره  
شعرای سرشناس تهران و تبریز و شاعران جوان افغانی  
شرکت نمودند. شروع مشاعره به آسانی صورت  
نگرفت، زیرا هیچ کس نمی خواست در این کار  
پیشدستی کند.

نبود آسان، شکوه و هیبتی داشت  
برای شاعران آن شام تبریز.  
بیا ای دوست از رومی غزل خوان  
ز شیرازی دو سه بیت شکرریز.

زمین و آسمان با هم بیامیخت  
بیوستند جنگل های انبوه.

حقیقت این همه یا که فسانه ست  
خدایا، خواب هستم یا که بیدار؟  
به مثل شمس تبریزی است تبریز  
که گردد در خیال رومی (۱۷) تکرار...

### خاک طاهر

خاک طاهر می رود بر کام شب  
ز ابرها گویی کله دارد منار.  
زیر این عرش الهی شامها  
اولیاء را بشنود تا صبح یار.

می نسوزد چشم ها از دود تلخ  
نیش نی، نوش زیان دارد امم.  
هر وجودی گوید اینجا «یا علی!»  
ذوالفقاری هست هر کس را دو دم.

بوریا گسترده در صحن سریر  
چاروقی فرتوت دارند اولیا.  
اندرون کلبه ای روی پلاس  
سعدی گوید با ملایک رازها.

هست حافظ در سخاوت بی نظیر  
او به «خالی» بخشیده دو شهر (۱۸) را.

چو از میخانه ی «یا ساقی» او  
برآمد ساقی در کف جام باده.  
ز شاگردان شمس آمد صدایی :  
«بیا بر دور» (۱۴) ما، ای مرد ساده!

ببردم دست سوی اهل معنی  
زایوان جهانگیر همچو حافظ.  
شکوهی داشت مثل «شاهنامه»  
تو گویی خاک شاعر خیز تبریز.

مرا می خواند تبریز مبارک  
چو یار آشنای عهد پیشین.  
به موهای پریش تا به زانو  
کمان ابروان و خال مشکین.

«بگردانید پس دریای جیحون»  
بکردم خواهش از کل حکیمان.  
ز فیض حرف عارف های ترمذ  
قفا می گشت (۱۵) دریای خروشان.

درون «چله خانه» بیم (۱۶) بنشت  
طهارت گیری بیرون رفت لشکر  
نمود گویی تو پهنای بزرگی  
نه دریا بود و نی دیوار و نی در.

به هم آمیخت وادی و بیابان  
بیوستند صحرا و تل و کوه.

شاعری در دیده نم،  
در لب دعا،  
می کند کاری خطا:  
خواجه می جوید ز شهر خواجه هایش گم شده...!

### اهدا

در آن عهدی که ششیر جهالت  
انار قلبها را پاره می کرد.  
اساطیر کفن پوش خیالات  
زیین قبرها نظاره می کرد.

در آن عهدی که چنگ گرگ ناحق  
خلیدن (۱۰) داشت در ران حقیقت.  
شبان و پاده (۱۱) را در پا کشن (۱۲) بود  
کشیدی رنج ها جان حقیقت.

به زیر آسمان بی خدایان  
چو سگ در کاهدان خوابیده بودیم.  
فرا تر از خیابان گدایان  
در آتش، مسجد خود دیده بودیم.

نشانی از مروت کس نمی دید  
در آتش سوختی بنیاد صوفی.  
نگشتی بازیک اسرار آیات  
که بنوشته نی ای (۱۳) با ثلث و کوفی.

## بر سر قبر شیخ کمال

شیخ کامل  
تا کنون آزرده خاطر خفته‌ای  
دیده‌ات از غصه نمناک است.  
این طرف در ساحل دریای سیر<sup>(۸)</sup>  
می‌کند مویش وطن ...  
رفتی از خجند و ماند  
در دلت مهر دیار و اقربا.  
من هم از خجندیان در به در،  
آواره‌ام.

ای پلیدان!  
پر فسادان پَچَق<sup>(۹)</sup>!  
ای که چشم معده‌هاتان باز و چشم قلب‌هاتان کور است!  
شیخ از دنیا برفت  
جام‌ها بر سر کشید  
کف زنید و دف زنید!

از خجند، این خواجه را از بخل بیرون کردگان!  
خون شاعر مست‌تر از خون انگور،  
صف کشید!  
ای خجند، ای سرزمین خواجه‌های با شرف،  
در تو حالا خواجه‌ای دریافت نیست.  
خواجه یا!  
خوابیده ایی آزرده خاطر تا کنون  
بستر شاهانه‌ی تبریز در زیر سرت...

## خیام

چرا زر قبه (۸) های مسجد، ای رند  
به جام واژگون افتاده ماند.  
نصیحت های خشک زاهد خر  
به باغ بی ثمر ایستاده ماند.

بدیدم خیمه هایت چاک، خیام  
به رویش مورها در رفت و آیند.  
گلابی در کف گلها نمانده  
که با جامی تو را مهمان نمایند.

چه عشق است اینکه تیغش جانستان است  
برد رگهایم و خونم بریزد.  
چه سان گورت تو را سازد تحمل  
ز هر یک ذره اش شوری نخیزد.

سر و پا آتشم، رطلی گران ده  
شراری از من افتد، سنگ سوزدا  
در ابرویم گهی که در لب لعل  
که با خون دلم هر دو ستیزد.

الا خیام، من هم عاشق زار  
بگو با من ز حوران خراسان.  
نتانستم ز ترکستان برآیم  
نباشد از وطن دل کندن آسان.

شیراز رو، کشور گشا  
از بهر دنیا درگذر.  
دیوان حافظ را بگیر  
تختت بده و سیم و زر.

سوداگرا، از ما مرنج  
از سیر و سودا درگذر.  
دکان و مالت را فروش  
اشعار حافظ را بخر.

ای راهزن، شب کاروان  
آید ز بلخ و اصفهان.  
بیتی مسافر خواند ار  
از خواجه، تیغت را مران!

ای پاسبان، بندت گشا  
از چاه، چاهی را رهان.  
باری اگر آرد به صدق  
عنوان حافظ بر زبان!

بنمای صبر ای همنفس  
یارت چو شد یار خسی.  
تعظیم کن، روزی اگر  
«من حافظم» گوید کسی!

به یک ایما بشد پیدا بسی خم  
ز قالب، محتسب را چشم برجست.  
«چه شوری؟» خنده ای زد خواجه حافظ  
بین آخر که حوران نیز سرمست.

بپیچید محتسب را تازیانه:  
«مزاحم می شوی؟ هشدار حافظ!  
ملایک را چه حاجت در مصلی؟  
سخن هایت همه بی بار، حافظ!».

بگردد در مصلی مو پریشان  
گدایی که بلرزانده جهان را.  
قدح در دست حوران باده ریزند  
کشد بر سر شراب ارغوان را.

نماید محتسب با جهل بر چشم ...  
و با خال لبش آن چهره خندان...  
ببرا تبریز، مارا تا به شیراز  
به تخت بادها مثل سلیمان.

در حاشیه دیوان خواجه حافظ

چهل سال از عمرم گذشت  
گاهی عیان، گه خفیه.  
یا خون نوشتم، نی به زر  
این سطرها در حاشیه.



پس بگفتم:  
«سرفرازم،  
چيست چارق؟  
من به حق شمس تبريز  
جان خود را هديه سازم...»

### گدايي که بلرزانده جهان را

بيرا تبريز مارا تا به شيراز  
به تخت بادها مثل سلیمان.  
به حافظ در مصلى گلعداری  
کند ایما به خالش شاد و خندان.

کنار خرقيه اش پیچیده حافظ  
کنار رکن (ه) بیند خواب سرخوش.  
صنمها سیه، سرخ افکنده سويش  
بجنابانند پیوسته بر و دوش.

به کنجی «می» فروشی گشته بی یار  
به خمی این جهان را می سپارد.  
دهد رطل گران بر دست شاعر  
«فقط «می» خورا» بگوید، «می» گسارد.

به چوبی، محتب آن باده کش را  
زند، خم شرابش پاره سازد.  
«همی سوزیم دیوان غزلها»  
بشورد، بر سر حافظ بتازد.

## هر کسی دارد مصلی

نیمه‌ام فارس  
نیمه‌ام ترک  
می‌ندانم دیگرش را ...  
با کلام خواجه حافظ  
استخوانم سخت شد.  
مامه‌ای (۳) نورانی‌ام  
چاک‌های جامه‌ام را  
با غزل سوزن‌زده.  
بلخ و شیراز و هرات و ملک تبریز  
گفته لالایی سرمهد نیایم. (۳)  
گرچه در غمگین مصلی  
نیست نقش پای تقدیر.  
در بخارا لیک  
هر کسی دارد مصلی ...  
چارق حضرت به پا  
پی سپردم کوچه‌های شهر تبریز.  
قبه‌ها بر سر، ولییان (۴) جمع گردیدند  
در فضا چندی فرشته می‌پرید،  
نورآگین کرده گویا آغوشم.  
اولیاء گفتند ناگاه:  
«چارقت بر مابده!»  
فکر کردم شیخ راضی است،  
تا شفق‌ها بنگرستم  
بر فراز سرخ جیحون ...

گوربانا!  
گوربانا!  
من هم اینک، شاعرم.  
نیستم گرچه گریبان چاک، در دل چاک‌هاست.

گوربانا!  
گوربانا!  
گر کشم آهی، ز آهم  
رعشه از آرامگاه شاعران خواهد بخاست!

گوربانا!  
گوربانا!  
آلمم گرچه به درگاه عزیزی سرنهم  
آنکه بگرفته کنارش شاعران را بادلی ریش

گوربانا!  
گوربانا!  
لطف، کن، تا برکشم آهی،  
جان دهم در خاک تبریزی که گم کرده‌ست شمس الدین  
خویش

---

تبریز ۲۶ اکتبر ۲۰۰۰

ترجمه: «جعفر محمد».

گوربانا!  
گوربانا!  
از چه در دنیای دون  
مثل شمس‌الدین مرام غمگساری نیست؟

گوربانا!  
گوربانا!  
در دلم زخمی است  
کاو شبیه خاک تبریز است

گوربانا!  
گوربانا!  
در دلم وهمی است  
گر نیارم شرحش اینجا، در ستیز است

گوربانا!  
گوربانا!  
این چه حکمت؟  
جای کردی از چه آن یکتای عالم را به این خاک ستوه؟

گوربانا!  
گوربانا!  
این بگو بخت است یا کلفت؟  
بعد مرگ آن شاعر درویش را دادی شکوه!

اصغر محکم

دفتر تبریز

سفرنامه ی منظوم به ایران

مقبره الشعرا

در شهر تبریز، قبرستانی هست که آن را مقبره الشعرا می خوانند.  
در این قبرستان، قبل از اسلام، چهار صد و هفت نفر شاعر  
مدفون شده بودند. پس از اسلام و تا به حال در اینجا قسط  
شاعران را به خاک سپرده اند...

از راهنما خواهش کردم: بدون زیارت مقبره الشعرا، پا از تبریز  
بیرون نخواهم کشید. راهنما ناراحت شد. همسفران، تعجب  
کردند. یک نفر گفت: فرصت کم است: من به متولی قبرستان  
رو کردم: مگر اینجا تنها شاعران مدفون شده اند؟

پاسخم داد: بلی

- نه شاهی، نه گدایی؟

- بله!

- آخرین شاعری که به خاک سپردند که بود؟

- شهریار

یاسی در دلم خانه کرد! گفتمش: من هم... شاعرم!

گوربانا!

گوربانا!

تا به منزل راه دور است.

پای هایم خسته و در تن مداری نیست.

نهد. حسن ختام این مقال، بیت‌ی از اقبال است که می  
گوید:

شعر را مقصداگر آدمگری است  
شاعری هم بر مثل پیغمبری است.

دکتر عباسعلی وفایی

وایزن فرهنگی سفارت ج.ا.ایران در ازبکستان

دکتر جعفر خالزمؤمن اف

کارمند وایزنی فرهنگی سفارت

---

۱ و ۲- عناوین دو کتاب چاپ شده از اصغر محکم

۳- اولیاء

چهل سال از عمرم گذشت  
گاهی عیان، گه خفیه  
با خون نوشتم نی به زر  
این سطرها در حاشیه  
شیراز رو، کشور گشا  
از بهر دنیا در گذر  
دیوان حافظ را بگیر  
تخت بده و سیم و زر

اصغر محکم، شاعر متخلق است. صداقت و راستی در نگاه و کلامش پیداست، در کلام و رفتارش، انسان دوستی را تبلیغ می کند. چیزی که پیشینان «با چراغی در گرد شهر می جستند و می جستند ولی بدست نمی آمد». با نام و نشان، بیگانه است. در کوچه های «قناعت» ره می سپرد، چیزی که امروزه سرسایان و گذریان کمتری رو به این آستان می آورند.

در عین پرکاری، آرام است چون نسیم! زنده می کند تا زندگی کند، نه با نام و نشانه بلکه با احساس رسالت و وظیفه، پیام های ادبی را در ترویج انسانیت به کار می گیرد و شاعری را همطراز پیامبری، ارج می

خماند و زبان را اینچنین به خوان دلدادگی او دعوت می  
کند:

ببر تبریز ما را تا به شیراز  
به تخت باد ها مثل سلیمان  
به حافظ در مصلی گلمذاری  
کند ایما به خالش شادو خندان

اما توفیق، رفیق اصغر نمی شود تا به شیراز برود و  
سر به آستان حافظ بساید. زبان احساس به سخن باز می  
کند و می گوید: از شهر سمرقند آمده ام! همان که به  
خال هندوی ترک شیراز، می بخشیدی و از کوچه های  
تبریز که فرشتگان آسمان کوی هایش در نزدیکی های  
آرامگاه خواجه ی خجندی در تکاپویند :

پی سپردم کوچه های شهر تبریز.  
قبه ها بر سر، ولیان (۳) جمع گردیدند  
در فضا چندی فرشته می پرید  
نور آگین کرده آغوشم...

در همین جاست که دلدادگی خود را بر حاشیه ی  
دیوان حافظ چنین رقم می زند :



هاتف بو کون قیلدی ندا:  
«می آل قولینگه بی دوا  
شولدور سینگه حقدن جزا  
دیوانه بول، دیوانه بول»

ترجمه :

در داد هاتف این ندا  
بردار «می» ای بی دوا  
برتوست از حق این جزا  
دیوانه شو، دیوانه شو!

«دفتر تبریز» یکی از سلسله شعر های مشهور  
اصغر محکم، دستاورد های شاعر از سفر ایران و به ویژه  
محصول دید و بازدید او از شهر های تهران و تبریز می  
باشد، که در پائیز سال ۲۰۰۰ اتفاق افتاده بود. این  
سلسله اشعار بیت و یک شعر نغز و زیبا را در بر می  
گیرد که عناوین آنها به شرح ذیل است : «اهدا»، «در  
مقبره الشعرا»، «هرکسی دارد مصلی»، «در حاشیه ی  
دیوان خواجه حافظ»، «خیام»، «برسر قبر شیخ کمال»،  
«کربلا»، «امام حسین»، «در حجره ی امام بزرگ»...

شاعر در این سفر، احساسی دل انگیز می یابد. در  
سرزمین حافظ، شور و ولوله ای در وجودش حس می  
کند و آنگاه از تبریز، سر ارادت به سوی حافظ می

داند. در نتیجه، سخنانی شطح آمیز شبیه شطحیات  
منصور حلاج در شعر اصغر محکم، نفوذ پیدا می کند. به  
عنوان مثال :

حق است آن کو مست هست،  
دیوانه شو، دیوانه شو ا (دیوانگی)

یا :

نه شریعت، نه طریقت  
حقیقت است !...

یا :

جنت، مسلمان را فراموش کرده است...

گفتیم که غزل گونه های اصغر محکم، شباهت  
شگرفی به غزلیات شورانگیز مولوی دارد. اصغر، تا  
حدی شوریده گی های دیوان کبیر را در قالب شعر  
امروز از یکی ریخته و ترکیباتی دلپذیر به وجود آورده  
است. این تأثیر پذیری اصغر، از غزلیات شمس، چه در  
انتخاب وزن و آهنگ و چه در ساختار زبان و  
اصطلاحات و چه در ساخت قافیه و چه در حفظ معنا،  
به طور دقیق به چشم می خورد :

است، (انسانی که در قرن بیست و یک، اسیر ساخته های خود است)، او باز به «مادر بزرگ» و «کافر نهان» و رودخانه ی کودکی خود مراجعه می کند. ولی این بار، هم «کافر نهان» و هم «مادر بزرگ» و هم «وطن» در عرض و طول و قالب و محتوا وسعت پیدا می کنند. از زاویه ای دیگر، مادر بزرگ به کافر نهان، کافر نهان به وطن و وطن به هستی و هستی به «فرا من» شاعر ملحق می شود. این معنی را شاعر در شعر «مادر بزرگ و کافر نهان» اینگونه می آورد :

اشک های مادر بزرگم کافر نهان بود  
 فریاد های مادر بزرگم کافر نهان بود  
 تسبیح های مادر بزرگم کافر نهان بود  
 جنازه ی مادر بزرگم کافر نهان شد.

و یا در «شعر واپسین» اشاره می کند که «مرانه از جایی دیگر، بلکه از کافر نهان جویید»!

شاعر در بعضی از موارد کنترل احساسات خود را از دست می دهد و در نتیجه چنانچه در فوق اشاره شد، «مرگ یک انسان» را به «مرگ خدا» تعبیر می کند و یا در جایی دیگر (شعر «خوش آمدی»)، «فرا من» خود را باعث آمدن یک صدویست و چهار هزار پیامبر می

است. در شعر اصغر محکم، هر دو عین ایمانند و ایمان  
جوهر این هردو.

تصاویری از رودخانه‌ی کافر نهان و اوان کودکی  
بی بازگشت، اشاره‌ای به آغاز آفرینش و زمان  
۱۱۱۱. و می‌تواند حضرت آدم است که در شعر اصغر محکم،  
خیلی جذاب و صمیمانه و دردناک به تصویر کشیده  
می‌شود.

کتاب «انالحق» (چاپ تاشکند، سال ۲۰۰۳)، ادامه  
سیر معنوی او در سلوک الی الله است. شاعر، مستغرق از  
مشاهده‌ی حق به مرحله‌ای می‌رسد که کثرت را در  
وحدت و وحدت را در کثرت تجربه می‌کند. و بی  
جهت نیست که در این مرحله، از «حریت»، «آزادگی»،  
«پوریای ولی» [که سمبل آزادی روح است]، «موسی و  
طور»، «شیخ عطار»، «مولوی»، «وحدت»، «کربلا»،  
«دیوانگی» و... سخن به میان می‌آورد.

«حق» محمول عصیانها و طغیان‌های قلب شاعر  
چهل ساله بود. از «حق» تا «انالحق» پنج سال گذشت و  
طبیعی است که شاعر به نبوغ نزدیکتر شود. وی در این  
مرحله به این نتیجه می‌رسد که: «عشق خداست و  
خداوند عشق است». و جایی دیگر می‌گوید: «هر که  
آدم کشت، او خدا را کشت». این «انالحق» اصغر  
محکم، فلسفه‌اش مبتنی بر کرامت و ارجمندی انسان

نظام قاسم، سیف رحیم زاد (از شاعران و نویسندگان تاجیک)، به زبان ازبکی ترجمه کرده است.

اصغر محکم، فرزند معنوی شیخ فرید الدین عطار، مولانا جلال الدین رومی بلخی و محمد اقبال لاهوری است. وی در سرودن غزل عاشقانه بیشتر از مولوی تأثیر پذیرفته است. اصغر محکم در سرایش شعر نو، سبک خاص خود را دارد و برخلاف بسیاری از شعرای معاصر ازبک، از هیچ کس تقلید و پیروی نمی‌کند. شعر او، غالباً، شعر عرفانی است و در بعضی موارد، سیمای قهرمانی را با صورتی ژولیده و ریش و موی نتراشیده و ژنده پوشی بر خویش تنیده، مجسم می‌نماید که درد آلود است ولی بی باک و گستاخ و دلیر. کتاب «حق» اصغر محکم، سیر معنوی و عاطفی شاعر به سوی الله است. شاعر، حق را از اشیا هستی که در اصل مظاهر نور حقیقت هستند، می‌جوید. هر چه که در شعر وی هست - مادر بزرگ پیر، رودخانه‌ی کافر نهان، کودکی معصوم و بی آرایش، دامن مادر و مادر بزرگ، شبهای کافر نهان، ستاره گان، آفتاب و ماه، درختان، مرغان... سمبل‌ها و نمادهایی از حق هستند که در جهان طبیعت ظاهر شده‌اند.

در شعر وی، یکی از واژه‌هایی که فراوان به کار برده شده است «وطن» و دوم «مادر بزرگ»

خبرنگار روزنامه ی «خلق آوازی» [صدای مردم] نشریه  
ی ازبکی تاجیکستان بوده است.

وی در بهار ۱۹۸۵ به تاشکند پایتخت جمهوری  
ازبکستان آمد و از این به بعد سرنوشت خود را با  
سرنوشت این کشور و مردم آن پیوند داد. تا سال ۲۰۰۲  
در اداره ی نشریه های «صنعت» [هنر]،  
«نفاست» [زیبایی]، «اسلام نوری»، «ماورالنهر ملمان  
لاری» [مسلمانان ماورالنهر] و «گلستان» به عنوان روزنامه  
نگار، کارمند بخش ادبی و مدیر مسئول ایفای وظیفه  
نمود. در حال حاضر کارمند انجمن ملی قیدسوفان  
ازبکستان [زیر نظر هیئت وزیران] می باشد.

در طول این مدت ۷ کتاب شعر اصغر محکم -  
«نوروز»، «تضرع»، «توجه»، «عشق»، «عبادت»، «حق» و  
«انالمحق» به چاپ رسید. کتاب «اوستا» و قسمتی از دفتر  
اول مثنوی معنوی مولوی را با ترجمه ی منظوم همراه با  
شرح به زبان ازبکی به چاپ رساند. بجز این، نمونه  
هایی را از شعر ادیب صابر ترمذی، مولانا جلال الدین  
رومی، خواجه حافظ، میرزا عبدالقادر بیدل، و از  
معاصران: نادر نادر پور، احمد شاملو، شهریار پروین  
اعتصامی، امام خمینی، مهدی شیرازی، هوشنگ ابتهاج و  
قیصر امین پور، (از شاعران ایرانی)، و لایق شیرعلی،

## اصغر محکم، شاعر «حق» (۱) و «انالحق» (۲)

از ادبیات معاصر ازبک، کمتر شاعری را می‌توان نام برد که با بهره‌برداری از اساطیر، روایات و قصص، آیات و احادیث، شرح احوال و اقوال و آثار اولیاء گرامی و به خصوص شعر کلاسیک فارسی تاجیکی که خود مجموعه‌ی از این همه زیبایی‌هاست، به سرایش و خلق اشعاری دل‌انگیز پرداخته و از جمع و تقسیم انگیزه‌های حس و اندیشه و تخیل و هنر، کاخی از سخن موزن و مسجع ساخته باشد.

خوشبختانه از توده‌ی اتبوه سخن طرازان این خطه‌ی شاعر خیز، اصغر محکم، تنها شاعری است که در مقام یک عارف و عاشق حقیقی، سربه‌فضای آبی شعر، سوده و به تجلی شاهد، خود را در پیاله‌ی شهود، وانموده است.

اصغر محکم در تاریخ ۲۷ نوامبر سال ۱۹۵۸ در روستای «جنگل آباد» واقع در منطقه‌ی «کافرانهان» جمهوری تاجیکستان به دنیا آمده است. در طول سالهای ۱۹۶۶ تا ۱۹۷۶ در مدرسه‌ی ابتدایی و متوسطه درس خواند و آنگاه در سالهای ۱۹۷۶ تا ۱۹۸۱ در دانشکده‌ی تاریخ و زبان و ادبیات دانشگاه دولتی خجند به تحصیلاتش ادامه داد. سپس مدتی معلم و مدتی





بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ



**Табриз. Мақбарат аш-шуаро**